

***ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ***

***5-Мавзу: Халқ депутатлари
Кенгашларининг таркибий
тузилмалари ва депутатларининг
ҳуқуқий мақоми***

РЕЖА

1. Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг доимий комиссиялари: шакллантириш тартиби ва ваколатлари.
2. Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг партия гуруҳлари.
3. Халқ депутатлари Кенгашлари фаолиятининг ташкилий-моддий таъминоти.
4. Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатларининг ҳуқуқий мақоми.
5. Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгаши депутатининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ҳамда улар фаолиятининг асосий кафолатлари.

Халқ депутатлари Кенгашлари фаолиятининг асосий ташкилий шаклларига қуйидагилар киради

Халқ депутатлари
Кенгашларининг
сессиялари

Халқ депутатлари
Кенгашларининг
доимий комиссиялари

Давлат ҳокимияти
вакиллик органлари
депутатларининг
сайлов округидаги
фаолияти

сессиясида кўриб
чиқиладиган
масалалар

ҲОКИМ

доимий
комиссиялар

Депутатлик
гуруҳлари ва Кенгаш
депутатлари
томонидан
киритилади.

Халқ депутатлари


Кенгашларининг органлари:

тузиш тартиби, вазифаси

Тегишли халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши таркибида қоида тариқасида, қуйидаги доимий комиссиялар тузилиши мумкин:

- – Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари;
- – Қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш масалалари;
- – Ижтимоий-маданий масалаларни ривожлантириш (ёшлар сиёсати ва соғлом авлод);
- – Саноат, транспорт, қурилиш, коммунал ва аҳолига хизмат кўрсатиш масалалари;
- – Аграр, сув хўжалиги ва экология масалалари;
- – Регламент ва депутатлик одоби масалалари.

**Доимий комиссияларнинг асосий вазифалари
қуйидагилардан иборат:**



Доимий комиссияларнинг ташкил этилиши:

**Доимий комиссиялар Вилоят (шаҳар)
Кенгаши сессиясида раис ва аъзолари
таркибида очиқ овоз бериш йўли билан
сайланади.**

**Раис ўринбосари ва котиби комиссия
йиғилишида комиссия раиси томонидан
номзодлари кўрсатилади ва улар
депутатлар томонидан сайланади.**

Доимий комиссия ўз ваколатига оид масалаларни тайёрлаш ва уларни чуқур ишлаб чиқиш учун ишчи гуруҳларни тузишга ҳақлидир.

Ишчи гуруҳлар таркибига халқ депутатлари Вилоят (шаҳар) Кенгаши депутатлари билан бирга тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари, корхона, муассаса ва ташкилотлар мутахассислари, олимлар, ижодий ходим вакиллари кириши мумкин. Доимий комиссиялар керакли ҳолларда ўз ишларига халқ хўжалиги мутахассисларини ва олимларни жалб қилишлари мумкин.

**Доимий комиссияларнинг қарорлари,
хулосалари ва баённомалари доимий
комиссияларнинг раислари томонидан
имзоланади.**

**Доимий комиссиялар томонидан
қабул қилинган қўшма қарорлар ва улар
томонидан тайёрланган хулосалар,
шунингдек қўшма мажлис баённомалари
уларнинг раислари томонидан
имзоланади.**



**Доимий комиссия
котиби**

**депутатларни ва доимий
комиссия аъзоларини, таклиф
Этилган мансабдор шахсларни
доимий комиссиянинг бўлажак
мажлиси ҳақида хабардор
қилади**

**режага мувофиқ ёкк комиссия
раиси топшириғи бўйича комиссия
аъзолари томонидан тайёрланган
Қарорларнинг лойиҳалари, хулосалар,
маърузалар, қўшимча маърузалар
ва бошқа хужжатларнинг
ўз вақтида тайёрланишини
кузатиб боради**

**иш юритади,
доимий комиссия
мажлислари
баённомаларини
олиб боради**

**доимий комиссия аъзолари
ишларининг қайд этилиши
ҳисоб-китобини
олиб боради**

**доимий комиссия раиси
ва раис ўринбосари
топшириқларини бажаради**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2010 йил 30 декабрдаги 154-II-сонли қарорига мувофиқ қабул қилинган “Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг” намунавий регламентида депутатлар қонунга мувофиқ партия гуруҳлари, ҳудудий ва бошқа йўсиндаги гуруҳларга бирлашиши мумкинлиги мустаҳкамланган. Намунавий регламентга мувофиқ фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашларига кўрсатилган Кенгаш депутатлари депутатлар гуруҳларига бирлашишлари мумкин. Ҳар бир депутатлар гуруҳи сессия муҳокамасига киритилаётган масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва улар юзасидан таклифлар киритиш ҳуқуқига эга.

Партия гуруҳлари сиёсий партиялардан кўрсатилган Кенгаш депутатларининг таъсис йиғилишларида ўз партияларининг сиёсатини уюшган ҳолда ўтказиш учун тузилади. Партия гуруҳлари партия гуруҳи раҳбарининг тегишли аризаси ва таъсис ҳужжатларига асосан халқ депутатлари Кенгаши томонидан рўйхатга олинади.

Партия гуруҳлари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

сессия кун тартибини шакллантиришда иштирок этиш;

сессия кун тартибидаги ҳар бир масала бўйича музокараларда партия гуруҳи вакилига кафолатланган тарзда сўз берилиши;

ҳоким - халқ депутатлари Кенгашининг раҳбарига, ҳоким ўринбосарларига, ҳокимликнинг бўлим ва бошқармалари бошлиқларига, шунингдек тегишли халқ депутатлари Кенгаши ҳудудида жойлашган корхона, муассаса ва ташкилотларнинг раҳбарларига сўровлар билан мурожаат этиш;

доимий ва муваққат комиссиялар раислигига номзодлар бўйича таклифлар киритиш;

сессияда муҳокама қилинаётган масала бўйича партия гуруҳининг фикрини Кенгаш депутатлари орасида тарқатиш;

вилоят (Тошкент шаҳар) ҳокими - халқ депутатлари Кенгаши раҳбарининг лавозимига тасдиқланган шахсларнинг қоникарсиз фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига асосланган хулосалар тақдим этиш ташаббуси;

халқ депутатлари Кенгаши депутатлари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа вазифаларни амалга ошириш.

- Депутатнинг ваколатлари муддатидан илгари тугатиш асослари “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида”ги қонунининг 3-моддасида кўрсатиб ўтилган.
- Алоҳида ҳолларда депутатнинг ваколатлари тегишли халқ депутатлари Кенгаши қарорига биноан муддатидан илгари тугатилиши мумкин. Депутат деган юксак номга доғ туширувчи хулқ-атвор бундай масалани кўриб чиқиш учун асос бўлиши мумкин.

Депутатни дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги масала тегишинча вилоят, туман, шаҳар прокурорининг ёки юқори турувчи прокурорнинг тақдимномасига биноан халқ депутатлари Кенгаши томонидан ўн кун ичида ҳал этилади. Сенатор этиб сайланган депутатни дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум қилиш масаласи “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган тартибда ҳал этилади

Депутат ўз ваколатларини амалга ошираётганда гувоҳномасини кўрсатиб, тегишли вилоят, туман ва шаҳар ҳудудида жойлашган корхоналар, муассасалар ҳамда ташкилотларга монеъликсиз кириш ҳуқуқидан, шунингдек, уларнинг раҳбарлари ҳамда бошқа мансабдор шахслари томонидан дарҳол қабул қилиниш ҳуқуқидан фойдаланади. Фаолияти давлат сири ҳамда қонун билан қўриқланадиган бошқа сир билан боғлиқ корхоналар, муассасалар, ташкилотларга депутатнинг кириш тартиби қонунда белгиланади. Депутат ўз ваколатларини ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифаларидан ажралмаган ҳолда амалга оширади.

**Халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман
Кенгашларида функционал ва соҳалар бўйича тузилиши
таклиф этилаётган доимий комиссиялар тизими**

ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАР

ФУНКЦИОНАЛ

АУДИТ

ЛИЦЕНЗИЯЛАШ

**ПЕНСИЯ
ТАЪМИНОТИ**

**СТРАТЕГИК
РЕЖАЛАШТИРИШ**

**ЁШЛАР СИЁСАТИ ВА СОҒЛОМ
АВЛОД МАСАЛАЛАРИ**

**ОММАВИЙ АХБОРТВОСИТАЛАРИ,
ЖАМОАТЧИЛИК АЛОҚАЛАРИ
ВА ДЕПУТАТЛИК ЭТИКАСИ**

**СОҲАЛАР
БЎЙИЧА**

**КОММУНАЛ
ХЎЖАЛИК**

**СОҒЛИҚНИ
САҚЛАШ**

**АГРАР ВА
СУВ ХЎЖАЛИГИ**

**САНОАТ, ТРАНСПОРТ
ВА ҚУРИЛИШ**

**АТРОФ МУҲИТНИ
МУҲОФАЗА ҚИЛИШ**

**АҲОЛИГА ХИЗМАТЛАР
КЎРСАТИШ**

Халқ депутатлари

Кенгашларининг ваколати

- ҳокимнинг тақдимига биноан маҳаллий бюджет ва унинг ижросига доир ҳисоботни, ҳудудни ривожлантиришнинг истиқболга мўлжалланган дастурларини, туман, шаҳарнинг бош режаси ва уни қуриш қоидаларини тасдиқлаш;
- амалдаги қонунларга мувофиқ маҳаллий солиқлар, йиғимлар, бож миқдорини белгилаш, маҳаллий бюджетга тушадиган маҳаллий солиқлар, йиғимлар ва тўловлар бўйича имтиёзлар бериш;
- ҳокимни ва унинг ўринбосарларини лавозимга тасдиқлаш, ҳокимни ва унинг ўринбосарларини лавозимдан озод этиш, уларнинг фаолиятига доир ҳисоботларини тинглаш;
- ушбу Қонунда назарда тутилган ҳолларда ҳоким қарорларини тасдиқлаш;
- халқ депутатлари Кенгашининг Иш тартибини, халқ депутатлари Кенгаши доимий ва бошқа комиссиялари тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш, уларга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш;
- халқ депутатлари Кенгашининг доимий ва муваққат комиссияларини, бошқа органларини тузиш, сайлаш ва тугатиш, уларнинг таркибини ўзгартириш, улар ишига доир ҳисоботларни тинглаш

- Қонунларда белгиланган ҳолларда ва тартибда халқ депутатларининг ваколатларини эътироф этиш ва муддатидан олдин тўхтатиш, уларни жавобгарликка тортиш учун розилик бериш;
- ижроия ҳокимияти бўлимлари, бошқармалари, бошқа структуравий бўлинмаларининг ҳисоботларини тинглаш;
- халқ депутатларининг сўровларини қараб чиқиш ва улар юзасидан қарорлар қабул қилиш;
- ҳокимнинг ва қуйи Кенгашнинг Ўзбекистон Республикаси қонунларига мос келмайдиган қарорларини бекор қилиш;
- ҳокимнинг тақдимига биноан ҳокимлик структурасини, унинг ходимлари штатлари ва иш ҳақи фондини тасдиқлаш киради

Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши

депутатларининг ҳуқуқий мақоми

- Вилоят, туман ва шаҳар Кенгашининг депутати фаолиятининг ҳуқуқий асослари
- Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги ,
- Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисидаги қонунларида ўз ифодасини топган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатини ва Сенати аъзосини чақириб олиш тўғрисида”ги қонунида депутатни чақириб олиш учун қуйидаги асослар белгиланган:

- - депутатнинг қонун ҳужжатларини жиной, фуқаровий, маъмурий ҳамда қонунда назарда тутилган бошқа турдаги жавобгарликка олиб келиши мумкин бўлган тарзда бузгани;
- - депутатнинг ахлоқ, депутатлик ахлоқини умумэтироф этилган меъёрларини қўпол равишда бузувчи, депутат номига доғ туширувчи ҳамда давлат ҳокимияти вакиллик органларининг обрўсига путур етказувчи ҳаракатлар, ножўя ишлар содир этгани;
- - депутатнинг қонун ҳужжатларида назарда тутилган ўз вазифаларини мунтазам равишда, узрли сабабларсиз бажармагани, шу жумладан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси мажлисида, уларнинг органлари ишида иштирок этмаганлиги, топшириқларни бажармагани

**ЭЪТИБОРИНГИЗ УЧУН
РАЊМАТ**